





# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА ҚИЁСЛАНГАНДА: ОСИЁ УЙИГА ЎХШАЙДИ

Шарҳ

Европа Иттифоқининг сафи кенгайганлиги муносабати билан ҳозир жаҳон оммавий ахборот воситаларида бу янгилик кенг шарҳланмоқда. Умуман, бу халқаро ташкилотнинг обрў-эътибори ошиб бормоқда. Унга аъзо бўлишга иштиёқманд давлатлар оз эмас. Ариза берган яна бир неча давлат навбат кутиб турибди. Ҳатто иштиёқмандлар орасида Осие китъасида жойлашган давлатлар ҳам бор. Чунки, Европа Иттифоқи мамлакатларни ва миллатларни бирлаштиришга, уларнинг иқтисодини ва сиёсатини уйғунлаштиришга, турмуш даражаларини бир-бирларига яқинлаштиришга, энг муҳими, мақсадларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен жаҳон оммавий ахборот воситаларида берилган айрим шарҳлар билан танишиб, халқаро кузатувчиларнинг фикрларини ўрганиб борар эканман, баъзи шарҳларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини Европа Иттифоқига қиёслашганлиги эътибор қаратдим. Ҳақиқатан ҳам кейинги бир йилда бу ташкилот фаолиятида юз берган жўшқинлик, қўрилган масалаларнинг қамрови, айниқса, терроризмга қарши кураш билан бирга иқтисодий ҳамкорлик долзарб аҳамият касб этаётганлиги, геосиёсий реалликнинг мавжудлиги, шунингдек, ШХТга аъзо бўлишга иштиёқманд янги давлатлар пайдо бўлганлигининг ўзи ҳар жиҳатдан эътирофга ҳамда эътиборга сазовордир.

Келгусида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини шу минтақадаги мамлакатларни ва миллатларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган тасвирчан тизим бўлиб қолса ажаб эмас. Ҳозир бу тизим таркибига Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари кирди. Хитой билан Россия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сифатида санолиятли ҳамда салобатли давлатлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳозир Шанхай Ҳамкорлик

Ташкилотга Хиндистон, Покистон ва Жанубий Кореянинг қизиқиши ортиб бормоқда. Москвада ҳам, Пекинда ҳам ана шу давлатларни ШХТ ишида иштирок этишга торттиш масаласида гаплар борапти. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ташкилотнинг обрў-эътибори ҳамда тасвир кучи Европа Иттифоқидан кам бўлмаслиги кўриниб турибди. Худудий ҳамда аҳоли сони жиҳатидан эса анча устун.

Яқинда Европа Иттифоқи янги аъзолар қабул қилинди. Бу бутун Европада байрам қилинди. Аъзо давлатлар аҳолиси сони жами 450 миллион кишига етганлиги фахр-ифтихор билан қайд этилди. Ана энди қиёслаб кўринг: ҳозирнинг ўзида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар аҳолиси бир миллиард олти юз миллион кишидан иборат. Агар ШХТ ишида юқорида номлари тилга олинган давлатлар ҳам иштирок этса, бунга яна тахминан бир миллиард икки юз миллиондан ортиқ аҳоли қўшилиши. Шунда худудий қамров ҳамда аҳоли сони жиҳатидан ер юзидан БМТдан бошқа бирорта халқаро ташкилот ШХТ билан тенглаша олмайдди. Аслида ҳозир ҳам шундай. Чунки, Ҳатто АҚШ, Канада, Россия давлатлари аъзо ҳисобланган Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг давлатларида ҳам аҳоли сони бир миллиардга етмайди.

Шубҳасиз, ҳар қандай ташкилотнинг мавқеи ҳамда обрў-эътибори фақат аҳоли сони билан белгиланмайди. Жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида турган энг долзарб масала ҳамда мураккаб муаммоларни кун тартибига кiritиш ва ҳал қилиш, фаолият жараёнидаги жўшқинлик, изчиллик ва қатъиятлик, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш ва умуман, ҳамкорликда узаро мурося, ён босиш ва ҳамжихатлик йўлини топиш ҳамда мақсадларнинг муштараклигига эришиш, сўзсиз, ҳар қандай ташкилотнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширади.

Ўтган йил май ойининг охирида Москвада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлди. Бу учрашувда ташкилот фаолиятига доир бир қанча муҳим масалалар ўз ечимини топти ва қисқа вақтда амалга оширилиши мўлжалланган янги вазифалар белгиланди. Жумладан, ташкилотнинг доимий ишловчи котибиятини Пекинда, минтақавий аксилтеррор тузилмасини Тошкентда жойлаштириш ва котибият билан аксилтеррор тузилмаси фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар қабул қилиш, иккинчи котибиятнинг ташкилотнинг иқтисодий ҳамкорлик дастурига аъзо бўлиши, улар ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш борич, келажакда эркин савдо ҳудудини ташкилот этишимоқчи. Бу савдо-сотикда, хизматлар кўрсатишда, технологиялар ва маблағлар ҳаракатида эркинликни таъминлаш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда ҳам бу ташкилот Европа Иттифоқига ўхшаб кетади.

Ҳабарингиз бор, яқинда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Кенгаши ўзининг навбатдаги мажлисини ўтказди. Унда тузилманинг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятига доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, тузилма доирасида 2004-2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик оид дастур тасдиқланди. Шунингдек, Кенгашда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг шу йил 17 июнь кuni Тошкентда ўтадиган олий даражадаги учрашуви катта умид боғлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижросида кўмитасида бу учрашувга пухта тайёргарлик кўрилмади. Тошкентдаги учрашув шубҳасиз, ШХТнинг бундан кейинги серкитра фаолиятида изчилликни таъминлашда, хусусан, ҳар қандай таҳдид ҳамда хавф-хатарга қарши ҳамжихатликни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Олий Мақлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президент айтган кўйидаги сўзларда ана шундай ҳамжихатликка давлат ўз ифодасини топган: «Биз халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, минтақамиздаги давлатлар билан баҳамжихат ҳаракат қилишимиз даркор».

Иброҳим НОРМАТОВ,  
сиёсий шарҳловчи

Маълумки, демократиянинг энг асосий тамойилларидан бири сайлов ҳисобланади. Сайлов жараёнларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши демократиянинг шаклланиш тарихи билан бевосита боғлиқ. Демократия илк бор қадимги Греция ва Римда пайдо бўлган эди. Бу давр демократияси кулдорлик демократияси бўлганлиги сабабли сайловларда фақат эркин кишилар иштирок этиш ҳуқуқига эга эдилар.

Замонавий демократик сайловларнинг шаклланиши ва ривожланишида Франция ҳам муносив ўрин тутди. Республика қуришга бўлган интилиш 1789 йил 14 июль кuni Бастилия қалъасининг Париж халқи томонидан эгалланиши билан бошланган эди ва орадан уч йил ўтиб, биринчи республика ўрнатилишига муваффақ бўлди. Бирок, сиёсий тўфонлар зарбасига учраган бу республика икки йил ўтмай тарқатиб юборилди.

1848 йил 24 февралда мамлакатда иккинчи республика эълон қилинди. Франция халқи биринчи бор мамлакат президенти Луи Бонапартни (Наполеон III) умумий сайловлар асосида сайлади ва ўша даврда бошлаб Елисей саройи президентнинг доимий қароргоҳига айланди. Узоқ торттишувлардан сўнг республика конституцияси қабул қилиниб, юнга кўра Миллий Ассамблея тузилади. Унинг 3 йил муддатга умумий сайловлар асосида сайлаб қўйилиши қонунийлаштирилди.

Турли синовлар, қийинчиликлар қарамасдан умумий — демократик сайловлар асосида президент ва парламент сайлаш, уларнинг халқ иродасини ифода этиши сари интиланган французлар ниҳоят ўз мақсадига эришди. Яъни, 1870 йил 4 сентябрда учинчи республика қарор топти. 1875 йилги конституцияга кўра, мамлакатда илк бор икки палатали парламент жорий этилди.

Биринчи республика конституцияси кўра (1958 йил 4 сентябрда қабул қилинган) мамлакат парламенти Миллий Ассамблея (қўйи) ва Сенатдан (юқори) иборат бўлиб, қонунлар қабул қилиш ва ҳукумат фаолиятини назорат қилиш мақсадларини кўзлайди.

Миллий Ассамблея 577 депутатдан иборат бўлиб, унга сайловлар икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда энг кўп (25% дан ортиқ) овоз олган номзодлар иккинчи босқичда қатнашади. Иккинчи турда мутлақ кўпчилик овоз тўплаган номзодлар беш йил муддатга депутатликка сайланишади.

Сенатдан фарқи ўлароқ Миллий Ассамблея ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга. Молиявий қонун лойиҳалари биринчи навбатда Миллий Ассамблеяга тақдим этилади. Миллий Ассамблеяга охириги сайловлар 2002 йил июнь ойида ўтказилган эди.

Жаҳон тажрибаси

кўра, давлатнинг худудий яқинлигини таъминлаш борасида Сенат ҳам ўзига хос ҳуқуққа эга. Сенат унинг раиси томонидан бошқарилади. Раис ўз мавқеи жиҳатдан мамлакатда президент ва бош вазирдан сўнг учинчи мансабдор шахс ҳисобланади. Сенат раиси Конституциявий кенгашнинг уч нафар аъзосини тайинлайди. Шунингдек, Сенат раиси президентнинг мансабдор шахс бўлиш қолганда вақтинчалик мамлакатни бошқариш ҳуқуқига ҳам эга.

Парламент тақдим этилган қонун лойиҳалари ҳар иккала палата томонидан муҳо-

ҳисобланса, ёки Конституцияга ўзгартиришлар киритишга оид бўлса, лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Лойиҳа референдумга қўйилмаган ҳолларда икки палата қўшма мажлиси — Конгрессда муҳокама қилинади ва депутатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берса қабул қилинади.

Франция парламентининг муҳим жиҳатларидан бири шунки, мамлакат Сенатида ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, узаро дўстона муносабатларни янада кучайтириш мақсадида гуруҳлар

## ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ

Сенат мамлакат парламентининг юқори палатаси ҳисобланади, 321 нафар сенатордан иборат. Сенаторлар 9 йил муддатга умумий сайловлар асосида сайланади. Лекин уларнинг учдан бири ҳар уч йилда янгилашиб боради. Сенат ҳам қонун ташаббускорлиги ҳуқуқига эга бўлиб, қўйи палата, яъни Миллий Ассамблея тақдим этган қонун лойиҳаларини муҳокама асосида қабул қилиш билан бирга ҳукумат фаолиятини назорат этиш ҳуқуқига ҳам эга. Қонун лойиҳалари даставвал Сенат комиссиялари йиғилишида муҳокама қилиниб, сўнгра очик тарзда умумий мажлисда кўриб чиқилади.

Францияда ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар ўртасида ўзига хос мувозанат шаклланиб боради, юқорида таъкидланганидек, президент Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга, лекин у Сенатни тарқатиб юборолмайди. Эътиборли томони шундаки, Сенат Миллий Ассамблея каби президентга ва ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга эмас. Мамлакат Конституцияси

кама қилинади. Дастлаб Миллий Ассамблея томонидан муҳокама қилиниб, Сенатга тақдим этилади ва Сенат уни муҳокамадан сўнг қабул қилади. Лекин айрим ҳолларда Миллий Ассамблея томонидан қабул қилинган лойиҳа Сенат томонидан биринчи ўқишда қабул қилинмасдан яна Миллий Ассамблеяга қайтарилади. Миллий Ассамблея эса уни қайта таҳрирда муҳокама қилиб, Сенатга тақдим этади ва шу аснода қонун қабул қилинади. Баъзи ҳолларда эса, иккинчи марта ҳам қайтарилади. Бу ҳолда Миллий Ассамблея уни ўзгартириши Сенатга қайтарилади. Шу тариқа икки палата ўртасида айрим келишимовчилик юзага келади. Бундай вазиятда мавжуд қонунчиликка кўра бош вазир томонидан ҳар икки томондан 7 нафар вакилдан иборат яраштирувчи комиссия тузилади. Агар бу комиссия ҳам натижа бермас, бош вазир комиссияни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга ва қонун лойиҳаси бекор қилинади. Лекин бу қонун лойиҳаси давлат ва жамият ҳаёти учун ўта муҳим деб

ҳам ташкил этилган. Ҳозирги кунда Сенатда 78 та парламент гуруҳи дунёнинг 183 давлати билан алоқа ўрнатган (16 та худудий ва 62 та алоҳида давлатлар). Ҳар йили парламент гуруҳлари маълум давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, улар билан яқиндан танишиш мақсадида тадбирлар, анжуманлар уюштиради.

1992 йилдан буён парламентда «Франция — Марказий Осие» гуруҳи ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу гуруҳ Ўзбекистон билан алоқалар ривожига ҳам катта эътибор бermoқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда икки палатали парламента ўтиш қонунчиликларини яратишда Франция каби энг ривожланган, демократик давлатлар тажрибасидан ҳам фойдаланилганини сезиш қийин эмас. Демак, бу борада яратилган ҳуқуқий асослар жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера олади.

**Нуралӣ КҶЧИМОВ,**  
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини магистри

### ОАО «LAZZAT»

ОБЪЯВЛЯЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ, КОТОРОЕ СОСТОИТСЯ 12 ИЮНЯ 2004 Г. В 15.00 ЧАСОВ ПО АДРЕСУ: Г.ГУЛИСТАН, УЛ.АХМЕДОВА, 3 (ОФИС ОБЩЕСТВА). РЕГИСТРАЦИЯ УЧАСТНИКОВ (ДОВЕРЕННЫХ ЛИЦ АКЦИОНЕРОВ) ПО НОТАРИАЛЬНО ЗАВЕРЕННОЙ ДОВЕРЕННОСТИ С 13.00 ДО 15.00 ЧАСОВ.

- ПОВЕСТКА ДНЯ:**
1. Отчет Исполнительного органа по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества и исполнения бизнес-плана за 2003 г., бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, отчета по ценным бумагам за 2003 г.
  2. Отчет Ревизионной комиссии и заключение аудитора за 2003 г.
  3. Отчет Наблюдательного совета и распределение прибыли общества за 2003 г.
  4. Утверждение аудитора общества на 2004 г. и предельного размера оплаты его услуг.
  5. Преобразование общества в закрытое акционерное общество «LAZZAT», Устава ЗАО

- «LAZZAT» и изменений в проспекте эмиссии акций.
6. Избрание нового состава Наблюдательного совета ЗАО «LAZZAT», утверждение размера вознаграждения Наблюдательному совету.
  7. Избрание ревизора ЗАО «LAZZAT», утверждение размера вознаграждения ревизору.
  8. Избрание директора общества и утверждение бизнес-плана на 2004 г.
- Список акционеров-участников собрания определяется по реестру. Реестр акционеров закрывается за 30 дней до начала собрания.
- С материалами, подготовленными к общему собранию акционеров общества, можно ознакомиться по адресу: г. Гулистан, ул. Ахмедова, 3, в дирекции. Телефоны для справок: код Гулистана + 27-26-03, 27-38-59.

**Наблюдательный совет**

Список акционеров общества:

1. Туйчиев Р.З. — Председатель Наблюдательного совета.
2. Анаркулова И. — член Наблюдательного совета.
3. Ткачова Т.Ф. — член Наблюдательного совета.
4. Сидиков Х.Х. — Генеральный директор.
5. Нуриддинов Х.М. — Заместитель ген.директора.
6. Шен Н.Н. — Главный бухгалтер.

Информация о годовом отчете за 2003 г.:

БАЛАНС		(тыс.сум)
Актив		
1 Основные фонды	012	211624
2 Капитальные вложения	030	99484
3 Прочие займы	09	4
4 Производственные запасы	120	55438
5 Готовая продукция	140	746
6 Товары для перепродажи	150	1386
7 Расходы будущих периодов	160	201
8 Денежные средства	170	463
9 Дебиторы	220	409
Всего:		369755
Пассив		
1 Уставный фонд	330	50138
2 Добавочный капитал	340	36802
3 Резервный капитал	350	275342
4 Нераспределенная прибыль	360	10
5 Авансы, полученные от покупателей	450	2422
6 Кредиторы	460	5041
Всего:		369755
Финансовые результаты		
1 Чистая выручка от реализации продукции	050	104603
2 Производственная себестоимость продукции	060	93245
3 Расходы периода	080,090,100	11565
4 Проценты уплаченные	135	106
5 Прочие расходы	145	473
6 Налог на доходы	180	6063
7 Чистая прибыль (убыток)	200	-5903

**Заключенное**  
договором аудиторская фирма ООО «Аудит-Барака» (лицензия Министрства финансов, серия АФ №00278 от 12.11.2001 г.).

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ

# «ТУРОН-ХОЖЕЛИ»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан аждодлар руҳини ёд этади

Хотирасиз келажак йўқ. Шу боис халқимиз бу кунни буюк аждодларимизни хотирлаш ва бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш кuni сифатида нишонлайди. Айниқса, одамлар ўртасида инсонийлик, меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганлиги қувончлидир. Ватан озодлиги, унинг шон-шарафи, бугунги бахтли ҳаётимиз учун курашган ота-боболаримизнинг руҳини шод этиш, кексаларни қадрлаш ҳозирги авлоднинг муқаддас бурчидир.

**Ниятимиз шуки, юртимиз осмони  
ҳамиша тинч бўлсин! Ўзининг буюк келажаги  
сари одимлаётган Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!**



Меҳр ва мурувват — инсон зийнати

**МЕҲРИБОНЛИК УЙИДАГИ ҚУВОНЧЛАР**

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйида унутилмас учрашув бўлди.

— Сизлар билан учрашар эканман, ўзимнинг болагим эсимга тушди, — дейди ҳаяжон билан истеъдодли шоир Муҳаммад Раҳмон. — Мен ҳам шу болалар уйида тарбияланганман, ўқиганман. Илгари эски бинолар бўларди. Бугун сизлар ҳамма қулайликдан баҳрамандсиз, ҳеч нарсадан ўқинмайсиз. Учрашувга боболарингиз, «Нуроний» жамғармаси раиси Файзулло Эшев ҳам келдилар. У кишининг умр йўлдошлари ўша олтишинчи йилларда болалар уйида ишларди. Одам боласининг бошига ҳаётда кўп қийинчиликлар тушиши мумкин. Мана, сизларга меҳрибон устозларингиз, мураббийларингиз бор меҳрини бераёпти. Халқимиз азалдан меҳр-мурувватли, саховатли. Сизлар унинг бағридирсиз. Ўз юртини севган, меҳнатдан қочмаган кишигина одамларга наф келтирадиган касб соҳиб бўла

олади. Мен сизларнинг келажингизга ишонаман, чунки сизлар мустақил юрт фарзанди, муҳтарам Юртбошимиз қарамоғидасизлар...

— Мен ҳам меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар билан бир мактабда дўст-ўртоқ бўлиб ўқиганман, — дейди меҳмонлардан яна бири филология фанлари номзоди, «Адолат» нашриёти директори Махмуд Сатторов. — Фақат илмгина инсонни камолга етказди. Бунинг учун китобга меҳр қўйиш лозим...

Шундан сўнг Муҳаммад Раҳмон ва Махмуд Сатторовлар ўзлари олиб келган компьютер тўплами ҳамда турли хилдаги адабиётлар ва ўқув дарсликларини болалар уйига тақдим этди.

— Бугунги кунда ушбу меҳрибонлик уйида 115 бола тарбияланыпти, — дейди туман ҳокими Лукмон Фафоров. — Улар учун барча шарт-шароит яратилган. Мактаб, ётоқхона, ошхона, спорт зали тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Туманимиздаги намунали оиланинг ота-оналари ана шу қалби

ўқисик болаларни фарзандликка қабул қилишди. Мен ўзим ҳам битта ўғил болани фарзанд қилиб асраб олдим.

— Менинг тутинган ўғлим сизнинг ўғлингиз билан ака-укадек, — дейди Файзулло Эшев кулимсираб. — Бола қалби сезгир бўлади. Уларга меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик ҳамма нарсадан кўпроқ керак. Сизлар билан учраган болалар кўнглида бир олам орзулар пайдо бўлди.

Шоир Муҳаммад Раҳмон шу болалар уйида ўтган йилларини эслаб ёзган «Тунги энагалар» номли шеърини ўқиб берди. Болалар ўзлари тайёрлаган дастурни «Қувонч бахш этиб», дея аташибди. Улар шоир шеърларини қўшиқ қилиб айтишди. Битта қўшиқдаги «Ўзбегимнинг болалари» деган сўз қалбимга муҳралиб қолди. Уларнинг нони етарли, устлари бут, мактаблари шинам. Бир оғиз сўз нондек арзанда замонлар ўтди. Улар етук инсон бўлиб улғайишди. Уларни Ватан қутаяпти...

(Ўз муҳбиримиз)

**Интер-спорт**

**МАҒЛУБИЯТ САБАБИ ЎРГАНИЛАДИ**

Ака-ука Виталий ва Владимир Кличколар Киев шахрида меҳмон бўлишди. Бу ерда муҳлислар билан учрашиб, расмий давраларда суҳбатлашдилар. Боксчилар шарафига уюштирилган қабул маросимида шахар мэри Александр Омельченко Виталий Кличко «Киев шахрининг фахрий фуқароси» номига сазовор бўлганлигини эълон қилди.

Матбуот йиғилишида боксчилар муҳбирларнинг саволларига жавоб бериб, ўз режалари билан ўртоқлашдилар. Виталий эса қандай бўлмасин, жаҳон экс-чемпиони Леннокс Льюис билан яна бир бор учрашиш орасида эканини яширмади. Қизиги шундаки, Владимир Кличко манфаатлари билан шуғуллануви америкалик адвокат Жадд Брештейн Невада штати прокурорига ариза берган. Мақсад, Владимирнинг Леймон Брюстер билан ўтказган учрашувида юз берган ноҳушлик

сабабларини ўрганишдан иборат. Чунки Владимирнинг қони ва пешобидан олинган анализ натижалари исзис йўқолган. Владимир эса: «Ўзимни оқламоқчи ёки ютказганимни тан олмамоқчи эмасман, балки ҳақиқат юзига чиқишини истаيمان», дейди.

**БОШ МУРАББИЙ ЭЪТИРОЗИ**

«Порту» клуби бош мураббийси Жозе Моуриньо Лондоннинг «Челси» жамоаси билан ишлаш тўғрисидаги шартномага имзо чекмаганлиги ҳақида баёнот берди. «Челси» етакчи клублардан, бундай жамоада ишлаш менга маъқул келади. Бироқ, ҳозирча Англия жамоаси раҳбарияти билан бу борадаги ҳужжатларга имзо чекганим йўқ, — дейди Жозе. — Боиси, ҳар қандай келишув «Порту»га нисбатан адолатсизликни юзга келтириши табиий. Мен Португалия клуби чемпионлар лигасида галабага эришиши учун ҳаракат қиламан.

**Шеър ва шуур**

**Ватанга ишқи йўқлар**

Ватанга ишқи йўқлар хору зор бўлди, дўстлар,  
Уларни ўз хатоси сарғардон этди, дўстлар.

Ватанга ишқи борлар йўқ нарсани бор қилди,  
Барча мушкул иллари вақтида битди, дўстлар.

Муҳаббатдан яралар мўл ҳосил ва мўъжиза,  
Юртини севганлар катта тўсиқдан ўтди, дўстлар.

Кимки севгидан маҳрум қалби тўла изтироб,  
Севгиси борлар барча орзуга етди, дўстлар.

**Илми тенг келмайди**

Билим — чашма, ичанг-да суви адо бўлмайди,  
Илмизлар илмининг қадрини ҳеч билмайди.

Тирик юрганлар бир-бир кўз юмади пайт келиб,  
Барча-барча китобнинг ёзувлари ўлмайди.

Одам алдар бир-бирин, билим алдашни билмас,  
Фақат яхшилик қилар, ҳеч ёмонлик қилмайди.

Дунёда энг қимматли нарсалар кўндир, Тура,  
Лекин ҳамма-ҳаммаси илмга тенг келмайди.

**Ўғли**

Илмиз қариндошдан ўқиган ўзга яхши,  
Экин яшнаган пайкал кўринар кўзга яхши.

Сув ариқнинг чиройи, чоллар чойхона кўрки,  
Йигит кишига меҳнат, зеб-зийнат қизга яхши.

Келинчакка чақалоқ ярашади жуда ҳам,  
Уринли ишлатилган ҳикमतлар сўзга яхши.

Ҳар ким севган касбидан бахтини топди, Тура,  
Шул сабадан мустақил юртимиз бизга яхши.

Тўра ЖУМАН,  
иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

**Китоб жавонигизга**

**«УЛУҒИМСАН  
ВАТАНИМ»**



«Иҳод дунёси» нашриёт уйи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Улуғимсан Ватаним» номли шеърый тўпламини нашр этди. Ижодий фаолиятида Ватан мавзусини юқори ўринга қўйган шоир унга бўлган чекиз муҳаббатини садокатини минглаб бетақорр шеърый сатрларда баён этди.

Бу унинг ўз элини, халқи ва Ватанини чинакам, чин фарзанддек, бегараз, сидқидилдан меҳр билан севшининг ифодасидир.

«Шу меҳрнинг натижаси ўларок, унинг шеърыйати ҳам худди шундоқ беминнат ва бегараз шеърыйат сифатида майдонга келди. Ва бу оққўнғил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърыйат ёдгор қолди» — деб ёзади атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўзининг бу китобга ёзган сўз боисига.

Муҳаммад Юсуфнинг ушбу тўплами «Улуғимсан Ватаним» деб бежиз номланмади. Унинг ижодида Ватан мавзуси энг асосий ўринни эгаллаган бўлиб, юртва муҳаббат унинг учун ҳамма туйғулардан устун эди. Мазкур тўпламга шоирнинг турли даврларда битилган Ватан ва мустақиллик мавзусидаги шеърлари, дostonлар киритилиб, у «Биздан овоз Ватан қолади», «Шаҳарлар мадҳи», «Яқин ва олис мозийдан саддо» ҳамда «Тошларни йиғлаган дostonларинг бор» деб номланган тўрт бўлимга ажратилган. Шунингдек, китобдан шоирнинг ҳаётидаги энг мазмунли лаҳзаларни эслатувчи фотосуратлар ҳам ўрин олган.

Муҳаммад Юсуф киска умр кўрди, аммо ундан бетақорр, барҳаёт завол билмас ижодий мерос қолди. Уйлаймизки, ушбу янги тўплам ҳам шоир таваллудининг 50 йиллигига, унинг муҳлисларига муносиб тўхфа бўлади.

Саҳобиддин СИРОЖИДИНОВ

HOTEL DEDEMAN SILK ROAD TASHKENT

**«Dedeman Silk Road Tashkent» mehmonxonasi jamoasi**

**Xotira va Qadrlash kuni munosabati bilan ajdodlar xotirasini yod etadi.**

**Har bir xonadonga baxt-saodat, sihat-salomatlik va farovonlik tilaydi.**

**9 МАЙ**

**ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ!**

Бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва мустақкам соғлиқ истаги билдирилган эзгу тилагимизни қабул қилишингизни сўраймиз.

Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахт-саодати учун ўз ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси қалбимизда ҳамиша барҳаёт.

Мустақил Ўзбекистонимизни янада гўзал қилиш, уни кўз қорачиғидек асраш йўлида сизларга омад ва куч-қувват тилаймиз!

**«Яхши-ният» ҳамиша йўлдошингиз бўлиб, омад келтирсин!**

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>	Abdulla ORIPOV Asliddin RUSTAMOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobov SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari) «Golos Uzbekistana» Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
<b>MUASSIS:</b>	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-57-20 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
<b>MANZILIMIZ:</b>	700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
<b>Navbatchi:</b>	Zayniddin MAMADALIYEV
	Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV «Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
	Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Г — 662
	10315 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.15 1 2 3 4 5 SOTUVDA ERKIN NARXDA